

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 94-ҳадис

94 - وَعَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحْمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمْحًا إِذَا
بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا اقْتَضَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин!» дедилар».

Ином Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Одатда олди-сотди, савдо, тижорат ишлари баҳслашиш, келишмовчилик ва сўз айтишиш билан амалга оширилади. Ислом бу хусусда ҳам бошқалардан ажралиб туришини истади. Шунинг учун уларни муомалада ўзаро раҳм-шафқатга, олди-бердида енгиллик қилишга, сотувчи билан оловчи орасида ҳийла ишлатмасликка, нарх белгилашда қаттиқлик қилмасликка ва одамларни ҳаққини уриб қолмасликка чақиради. Шунингдек, қарз олди-бердисида ҳам бағрикенг бўлишга чақиради. Ушбу ҳолатда ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати набавияларига мувофиқ амал қилиб, Аллоҳнинг розилигини топиш мақсад қилинади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши ҳаётининг ҳар бир жабҳасида Ислом бағрикенглигига риоя этади.
2. Савдо ва тижоратда, нарх белгилашда ҳаддан ошмайди, муомалада ростгўй бўлади.
3. Сотиб олишдаги бағрикенглик- сотувчига пулни тўлашда чўзиб юбормаслик.
4. Сотишдаги бағрикенглик- қасам ичиб, буюмни сотмасликдир.



NUBUVVAT MARVARIDLARI